

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
бошқарув раиси в.б.

Х.Н.Хасилов

“ ” 2023 йил

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва унга киритилган янги ўзгартиришлар ва уларни амалиётда қўллаш ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида амалда қўлланилаётган меҳнат шартномасига ўзгартиришлар киритиш бўйича
МАЖЛИС БАЁНИ-

2023 йил “03” май

Тошкент ш.

Раислик қилди:	Сабилов Д.	- Персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи;
Қатнашдилар:	Холбоев О.	- Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг Республика Кенгаши меҳнат ҳуқуқи инспектори;
	Зулфикаров Ф.	- Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси бошлиғи в.б.;
	Абдуллаев Б.	- Молия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари;
	Бекчанова А.	- Юридик бошқармаси катта юрист консул;
	Мардиев У.	- Персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бўлим бошлиғи;
	Обидов Ҳ.	- Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси етакчи мутахассиси;
	Мирзоев Х.	- Молия бошқармаси бўлим бошлиғи;
	Рустамов И.	- Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси етакчи муҳандиси.

КУН ТАРТИБИ.

2023 йил 30 апрелдан кучга кирган янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси”га мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида амалда қўлланилаётган меҳнат шартномасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала бўйича: Д.Сабилов, О.Холбоев, Ф.Зулфикаров ва бошқа йиғилиш қатнашчилари сўзга чиқишиб, 2023 йил 30 апрелдан кучга

кирган янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси”га мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида амалда қўлланилаётган иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ўз фикрларини билдиришди.

Хусусан, меҳнат шартномадаги ходимнинг ва иш берувчини мажбуриятларига қуйидаги ўзгартиришлар киритилиши таъкидлаб ўтилди:

- ходим ўз меҳнат фаолияти мобайнида коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, пора таклиф қилмаслик ва олмаслик, ўз ваколатларини суистеъмол қилмаслик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ички ҳужжатларига мувофиқ коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви келиб чиққан ҳолларда дарҳол иш берувчини хабардор қилиш, коррупцияга қарши курашиш талабларни бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик мавжуд эканлигини тушунган ҳолда иш олиб бориш мажбуриятини олиш;

- иш берувчи ўз фаолияти давомида ходимлар ўртасида коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, ходимлар ўртасида коррупцияни олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар берган ходимлар шахсини сир сақлаш, ходимга тазйиқ ўтказмаслик мажбуриятини олиш;

- Ўзбекистон Республикаси янги тахрирдаги меҳнат кодекси мувофиқ бошқа бандларга тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Юқоридагилардан ва йиғилиш қатнашчилари фикрларидан келиб чиқиб:

Йиғилиш қарор қилади:

1) “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг иш берувчи ва ходим ўртасидаги тузиладиган меҳнат шартномасига қуйидаги бандлар киритилсин:

- Ходимнинг мажбуриятлари қисмига з-банди сифати - ходим ўз меҳнат фаолияти мобайнида коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, пора таклиф қилмаслик ва олмаслик, ўз ваколатларини суистеъмол қилмаслик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ички ҳужжатларига мувофиқ коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви келиб чиққан ҳолларда дарҳол иш берувчини хабардор қилиш, коррупцияга қарши курашиш талабларни бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик мавжуд эканлигини тушунган ҳолда иш олиб бориш мажбуриятини олиш;

- Иш берувчининг мажбуриятлари қисмига е-банди сифатида - иш берувчи ўз фаолияти давомида ходимлар ўртасида коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, ходимлар ўртасида коррупцияни олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар берган ходимлар шахсини сир сақлаш, ходимга тазйиқ ўтказмаслик мажбуриятини олиш;

2) Янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси”га мувофиқ амалдаги меҳнат шартносининг бошқа бандлари кўриб чиқилсин ҳамда тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

3) Жамиятнинг барча бошқарма, марказ, ташкилот, муассасалари ва акциядорлик жамияти корхоналари раҳбарларига, янги таҳрирдаги “Меҳнат кодекси”га асосан юқорида кўрсатилган ўзгартиришлар амалда қўлланилаётган меҳнат шартномаларига киритилиб, ишчи-ходимлар билан қўшимча меҳнат шартномаси тузилсин.

4) Ушбу баённома қарорларини бажарилишини назорат қилиш Персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи Д.А. Сабилов зиммасига юклатилсин.

Баённома юритувчи:



У. Мардиев